O'ZBEKISTON
# BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
№14 (667) 2023 йил 28 февраль, сешанба
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 27 февраль куни қайта тикланувчи энергия манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.**

Сўнгги йилларда энергетика бутун дунёда долзарб масалага айланиб бормоқда. Шу боис салоҳиятли давлатлар унинг муқобил йўлларини изламоқда. Бугун жаҳон энергетикасида "яшил энергетика" улуши қарийб 30 фоизга етган, айрим Европа давлатларида 80-90 фоиздан ошган.

Ўзбекистонда ҳам бу борада фаол иш олиб борилмоқда. Сўнгги уч йилда энергетика соҳасига 8 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилинди. Хусусан, Навоий ва Самарқанд вилоятларида қуёш электр станциялари ишга туширилди. Бу йил 18 та шундай станциялар барпо этилмоқда. Бу орқали хонадонларга бериладиган электр энергияси 50 фоизга кўпаяди.

Умуман, энергетика масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва назоратида. Бу соҳада кўплаб лойиҳалар, ҳудудларга ташрифлар чоғида аниқ вазифалар белгиланмоқда.

Ўзбекистон Президентининг шу йил 16 февралдаги қарори билан қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни жадаллаштириш бўйича катта дастур қабул қилинди. Жумладан, "Яшил энергия" компанияси ташкил этилиб, унга дастлабки 10 миллион доллар йўналтирилди.

Мазкур дастурга кўра, жорий йилда тадбиркорлар, ижтимоий соҳа ва аҳоли хонадонларида 1 минг 700 Мегаватт қувватли қуёш панеллари ўрнатиш кўзда тутилган.

Йиғилишда мутасаддилар шу борадаги ишларнинг ташкилий ва молиявий жиҳатлари юзасидан ахборот берди.

Хусусан, ижтимоий соҳа объектлари ва давлат идораларида 220 Мегаватт, тадбиркорлар томонидан 1 минг 300 Мегаватт ва янги қурилаётган кўп қаватли уйлар томида 15 Мегаватт қувватга эга қуёш панеллари ўрнатилиши айтилди. Бу борада Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Навоий ва Самарқандда фаол иш бошланган. Давлатимиз раҳбари жойларда ишларни тўғри ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Йиғилишда энергетиканинг бошқа йўналишларида кўрилиши лозим бўлган чора-тадбирлар, жумладан, аҳолини табиий газ билан барқарор таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш, газ сарфи юқори бўлган ишлаб чиқариш қувватларини кўмирга ўтказиш, геология-қидирув ишларини кенгайтириш, мавжуд углеводород хомашёси конларини ривожлантириш ва янгиларини ўзлаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

**ЎзА.**

# ИНВЕСТИЦИЯ ВА САНОАТ СОҲАЛАРИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 27 февраль куни инвестициялар жалб қилиш ва саноатни ривожлантириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.**

Сўнгги йилларда барча тармоқлардаги дастурларга 31 миллиард долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинди. Натижада ўтган 5 йилда саноат 1,4 баробар, экспорт 1,5 баробарга ошди.

Келгуси 5 йилда иқтисодиёт барқарор ўсиши учун саноатни яна 1,5 баробарга ошириш, экспортни 30 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб қўйилган. Бунинг учун 120 миллиард доллар сармоя, жумладан, 70 миллиард доллар хорижий инвестиция зарур.

Бунга инвестиция, саноат ва экспорт бўйича яхлит сиёсат юритиш орқали эришиш мумкин. Шу боис "Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармонига мувофиқ, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ташкил қилинди.

Йиғилишда жаҳон молия бозорларидаги вазиятдан келиб чиқиб, соҳа олдидаги муҳим вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Жорий йилда 11 миллиард долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, йирик инвесторлар билан манзилли ишлаш бўйича вазифалар белгиланди. Инвестицияларни жалб қилишда иқтисодий дипломатияни ва чет элдаги дипломатик ваколатхоналар иштирокини кучайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Йил якунигача 304 та йирик ва 3 мингта ҳудудий лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган. Уларнинг натижасида қўшимча 10 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари саноат бўйича тармоқ ва ҳудудлардаги қўшимча захираларни ишга солиш, маҳсулотлар рақобатдошлигини ошириш учун таннархни камайтириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Хорижий консультантларни жалб қилиб, махсус ва кичик саноат зоналарини ҳудудларни ривожлантириш "драйвери"га айлантириш, уларда янгидан яратилаётган ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштириш зарурлиги таъкидланди. Тўқимачилик, чарм, қурилиш материаллари, электр техникаси, озиқ-овқат, фармацевтика, заргарлик каби тармоқларда янги маҳсулотларни ўзлаштириш, жаҳон брендларини олиб келиш орқали янги бозорларга чиқиш муҳимлиги айтилди.

Янги лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш ва инвесторларга тақдим этиш бўйича лойиҳа гуруҳларининг ишини фаоллаштириш топширилди.

Йиғилишда ижтимоий масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди. Таълим, соғлиқни сақлаш, ичимлик суви ва йўл инфратузилмаси дастурларидан келиб чиқиб, устувор лойиҳаларни шакллантириш вазифаси қўйилди.

**ЎзА.**

**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА**

# Ливермен миллий лабораторияси вакиллари – вазирликда

**Ўзбекистонга ташриф буюрган АҚШ Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Ливермен миллий лабораторияси (LLNL) вакиллари Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида бўлди.**







Чет эллик вакилларнинг мазкур ташрифидан мақсад сейсмик хавф бўйича қурилиш меъёрлари ва қоидалари билан танишиш, хавфни баҳолашнинг маҳаллий ва халқаро методологияларини кўриб чиқиш, шунингдек, Ўзбекистон ва Марказий Осиёда сейсмик фаолликни узоқ муддатли прогнозлаш моделларини яратишни муҳокама қилишдан иборат бўлди.

Тадбирда Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти директори Шерзод Содиқов, соҳа вакиллари ҳамда "ТошуйжойЛИТИ" АЖ мутахассислари иштирок этишди.

## Халқаро ҳамкорлик доимий эътиборда

**Финляндия Тараққиёт ва ташқи савдо вазири Вилле Скиннари бошчилигидаги йирик бизнес делегацияси мамлакатимизга ташриф буюрди. Ушбу делегация таркибига Финляндия давлат идоралари вакиллари билан бирга Nokia, WARTSILA, METSO OUTOTEC, EPSE каби 20дан ортиқ йирик технологик компаниялар раҳбарлари киритилган.**

Шунингдек, ушбу ташриф доирасида Ўзбекистон–Финляндия савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиясининг 5-учрашуви ташкил қилинди. Учрашувда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Халқаро алоқалар ва индекслар билан ишлаш бўлими бошлиғи Шараф Ражабов қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаларида амалга оширилаётган халқаро лойиҳалар тўғрисида маърузa қилди. Финляндия бизнес вакиллари томонидан ушбу маъруза катта қизиқиш билан қабул қилинди ва уларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар берилди.

## Коммунал соҳага оид мурожаатлар тингланди

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекцияси масъуллари иштирокида фуқаролар мурожаатларини қабул қилди.**



Унда пойтахтимизнинг Олмазор, Чилонзор, Бектемир, Яшнобод туманларида истиқомат қилувчи аҳоли вакилларининг коммунал соҳага оид мурожаатлари тингланди. Хусусан, кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув ташкилотлари фаолиятидан норозилик, молиявий муносабатлардаги ноаниқликлар, бошқарув усули ёхуд ташкилотини ўзгартириш бўйича таклифлар ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Қабул қилинган мурожаатлар юзасидан фуқароларга ҳуқуқий тушунчалар, фаолияти ўрганилиши лозим бўлган бошқарув ташкилотларини назоратга олиш бўйича инспекция масъулларига тегишли топшириқлар берилди.

## Жаҳон банки мутахассислари билан учрашув

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятов ҳамда вазирлик мутасаддилари иштирокида Жаҳон Банки Европа ва Марказий Осиё бўйича энергетика амалиёти раҳбари Судешна Гош Банерджe хоним ва Жаҳон банкининг бошқа мутахассисларидан иборат делегация билан учрашув ташкил қилинди.**

Учрашувда кейинги қиш мавсумига тайёргарлик кўришда энергия етишмовчилигининг эҳтимолий зарарларини юмшатиш бўйича асосий чора-тадбирлар, энергия тежовчи технологиялар ва энергия тежаш бўйича инновацион ечимлар юзасидан ислоҳот лойиҳаларига грантлар ажратиш масалалари, энергия тежамкорлик бўйича ҳамкорликда семинар ва тренинглар ўтказиш каби масалалар муҳокама қилинди.

## БСКлар фаолияти ўрганилди

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мутасаддилари, ички ишлар вазири ўринбосари Бекмурод Абдуллаев, Олмазор тумани ҳокими Азизхон Умархонов ва бошқа мутасаддилардан иборат ишчи гуруҳ пойтахтимизнинг Олмазор туманида фаолият юритувчи қатор бошқарув ташкилотлари фаолиятини ўрганди.**

Хусусан, кўп қаватли уйлар соҳасида аҳолини қийнаётган муаммолар, тизимни яхшилаш бўйича таклифлар муҳокама қилинди. Мутасаддилар уйма-уй юриб, фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилдилар. Шунингдек, бошқарув ташкилотларига хизмат сифатини яхшилаш, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича қатор вазифалар белгиланди. Кўп қаватли уйлар атрофи тозалигига эътибор бериш лозимлиги таъкидланди.

Мутасаддилар мазкур ҳудудда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалар ҳолидан ҳам хабар олдилар. Ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларга турли маиший техника воситалари берилди.

## Бошқарманинг навбатдаги йиғилиши

**Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик бош бошқармасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда бошқарма бошлиғи Саиджон Тўхтаев сўзга чиқиб, барча туман архитекторларига ижро интизомига риоя этиш, топшириқлар ижроси юзасидан сусткашликка йўл қўймаслик лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, пойтахтнинг 3 та ҳудудида йўловчи автобуслари учун сўнгги бекатга жой ажратиш бўйича ишларни жадаллаштириш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашда ҳам туман бўлимлари фаол бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, йиғилишда бошқарманинг Ахборот хизматини моддий-техник ҳолатини яхшилаш, ҳар ҳафтада ОАВларда чиқишларни амалга ошириш ва энг муҳими, барча даражадаги архитекторлар Тошкентнинг бош режасини ишлаб чиқишда белгиланган муддатларга амал қилиши, бунинг учун энг яхши мутахассислар жалб этилиши зарурлиги ҳам эътироф этилди.

"O'ZBEKISTON BUNYODKORI" газетасининг расмий сайти – uzbunyodkor.uz ишга тушганини маълум қиламиз.
Сайтга хабарлар, ишлаб чиқараётган маҳсулот ва хизматларингиз ҳақида маълумотларни жойлаштиришингиз мумкин.
ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙМИЗ!

# ҚУРИЛИШДА СИФАТ доимо биринчи ўринда бўлиши лозим



**Райҳона ХЎЖАЕВА,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Йил сайин тараққий этаётган қурилиш саноати юртимиз меъморий қиёфасига замонавий руҳ ва янгича қарашларни мужассам этмоқда. Албатта, янгиланаётган шаҳару қишлоқлар манзараси кўзларни қувонтирмай қолмайди. Қолаверса, обод бўлаётган манзилларнинг кўпайгани ҳам яхшидир. Аммо соннинг ортидану қувиш эвазига сифатга путур етиши адолатдан эмас. Айниқса, қурилиш соҳасида сифат ҳар доим биринчи ўринда туриши керак. Иморат асоси мукаммал лойиҳа эканини бу соҳадан бехабар кишилар ҳам билишади. Шу боис, ҳар қандай қурилиш энг аввало, малакали мутахассислар томонидан яратилган мукаммал лойиҳа асосида бўлишини таъминлаш бугунги кундаги асосий вазифалардан биридир.**

Бу муаммонинг олдини олиш ва жойлардаги қурилиш объектларида амалга оширилаётган ишларнинг айнан лойиҳага мос равишда бажарилаётганини аниқлаш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан "Ўзоғирсаноатлойиҳа", "Қишлоққурилишлойиҳа", "ЎзГАШКЛИТИ", "Ташгипрогор", "ТошуйжойЛИТИ" каби қатор қурилиш лойиҳа ташкилотлари, Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги ҳамда Сейсмология институтларининг етакчи эксперт ва мутахассислари иштирокида рейд тадбирлари ташкил этилди.

Тошкент вилояти ҳудудларидаги қурилишларда ўтказилган рейд тадбиридан кўзланган асосий мақсад ҳам шу – объектнинг лойиҳа ҳужжатлари билан танишиш, қурилиш сифатини кўздан кечириш, камчиликларни эрта бартараф этишдир.

## Чирчиқ шаҳридаги 9 қаватли турар жой биноси





Ишчи гуруҳ борган илк манзил – Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри "Шодлик" МФЙ ҳудудида бунёд этилаётган 9 қаватли турар жой биноси бўлди. Рейд давомида соҳа мутахассислари томонидан бино ости ер ишлари билан муҳандислик-геологик қидирув изланишлар хулосасининг мувофиқлиги, конструкциясининг амалдаги меъёрларга мослиги ўрганилди.

– Мазкур объектни лойиҳалаш жараёнида бир қанча камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди, – деди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жаҳонгир Анваров. – Лойиҳалашда кўп қаватли уйларни жойлаштиришда оралиқ масофалар етарли даражада сақланмаган. Шунингдек, кўп қаватли турар жой бинолари учун автотураргоҳлар, болалар майдончалари ва яшил ҳудуд ҳам белгиланган нормаларга асосан назарда тутилмаган. Ушбу объектнинг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари ишчи гуруҳ томонидан батафсил ўрганилиши белгилаб олинди.

– Объектда ташқи сув ва намдан ҳимоя қатламлари белгиланган норматив талаблар асосида олиб борилмаяпти, – деди "Қишлоққурилишлойиҳа" лойиҳа-қидирув институти бош конструктори Шерзод Одилов. – Намдан ҳимоя қатламлари бажарилмасдан туриб, бинонинг пойдевор қисми чегарасида грунт қатлами билан олдиндан кўмилгани аниқланди. Шунингдек, ўрганилган иккинчи темир-бетон рама конструкцияли бино ишчи арматураларининг зўриқиш ҳосил бўладиган жойларида арматура уланишларини кузатдик. Бу ҳам қурилиш нормаларига зид ҳолат саналади. Мавжуд ригелларни бетон ишлари бажарилмасдан туриб лойиҳага асосан қайта монтаж қилиш талаб этилади. Шунингдек, мазкур лойиҳаларнинг айнан ана шу ҳудудга тегишлилиги бўйича жойига боғлаш ишлари расмийлаштирилмаган. Лойиҳа бош муҳандиси, бош архитектори, бир сўз билан объектга масъул вакилларнинг мавжуд жавобгарлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар бизга тақдим этилмагани сабабли қурилиш участкасининг ўзида визуал тарзда ўрганиш ишларини олиб боришга тўғри келди.

– Лойиҳадан аввал муҳандислик-геологик ишлари бажарилган, – деди "ЎзГАШКЛИТИ" илмий-тадқиқот институти бош мутахассиси Баҳодир Султонқулов. – Яъни, пойдевор замини тупроқларининг таркиби ва хусусиятлари хусусида хулоса берилган ва шу асосида лойиҳа амалга оширилган. Аммо катлованларнинг ўлчамлари белгиланган нормаларга мос эмас. Жумладан, қурилиш жараёнида ёғингарчилик пайти сувнинг катлованга тушиш ҳолатлари назарда тутилмагани маълум бўлди.

– Ҳудудий назорат инспекцияси томонидан мазкур объектда олиб борилган мониторинг ишлари давомида аниқланган камчиликлар юзасидан 4 та кўрсатма берилган, – деди Тошкент вилояти Қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси биринчи ўринбосари Отабек Тиллахўжаев. – Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сонли қарорига зид равишда хабарнома юбормай, қурилиш-монтаж ишларини бошлагани учун МЖтКнинг 99-моддаси 7-қисми билан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, жаримага тортилган. Ўрганиш жараёнида Тошкент вилояти Қурилиш ва коммунал хўжалик бош бошқармаси томонидан тасдиқлаб берилган Шаҳарсозлик баённомасида оралиқ масофалар сақланмаган ҳолда берилгани маълум бўлди. Аниқланганлардан келиб чиқиб, қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиш юзасидан кўрсатма берилди.

## Нурафшон шаҳридаги 5 қаватли турар жой биноси





Мутахассислар иштирокидаги рейд тадбири Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида давом этди. Иккинчи объект – Тошкент йўли кўчасида "Оқсарой қурилиш" МЧЖ томонидан қурилаётган 5 қаватли турар жой биноси бўлди. Объектда кўзга ташланган дастлабки камчиликлар – қурилиш майдони маиший чиқиндилардан тозаланмаган ҳамда ишчи гуруҳ махсус кийимлар билан таъминланмаган. Ўрганиш ишларининг биринчи босқичида мутахассислар объектнинг лойиҳа ҳужжатлари билан батафсил танишишди.

– Каркасли бинолар типига мансуб мазкур кўп қаватли турар жой биносининг 1-2-қаватларида мустаҳкамликни таъминлашга жиддий эътибор қаратилиши керак эди, – деди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти илмий ходими Ғуломжон Исаев. – Сабаби, биринчи қаватдан нотурар мақсадларда фойдаланиш кўзда тутилган. Сейсмик мустаҳкамлик нуқтаи назаридан бинонинг биринчи қаватидаги каркасларнинг кўндаланг кесимлари юқори қаватларга нисбатан каттароқ бўлиши керак эди. Лойиҳа ҳужжатларида биринчи ва иккинчи қаватларда бетон конструкциялар назарда тутилган бўлса-да, амалда ғишт материалидан фойдаланилган. Бу эса бино мустаҳкамлигининг пасайишига олиб келади.

– Ушбу кўп қаватли турар жой биносини қурувчи компаниянинг буюртмачи вакили ва лойиҳачи ташкилотига икки маротаба ёзма кўрсатма берилган, – деди Тошкент вилояти Қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси биринчи ўринбосари Отабек Тиллахўжаев. – Ёзма кўрсатма шартлари ўз вақтида бажарилмагани учун МЖтКнинг 99-моддаси тегишли бандлари бўйича чора кўрилади. Шунингдек, ушбу конструктив элементларда аниқланган камчиликлар ва лойиҳа ечимларига риоя қилинмагани учун лойиҳачи ҳамда пудратчига нисбатан судга объектни бузиш бўйича даъво аризаси киритилади. Ҳозирда ушбу объектда қурилиш-монтаж ишларини вақтинча тўхтатиш бўйича ёзма кўрсатма берилиши таъминланди.

– Мазкур бино беш қават бўлиши лойиҳаланган, – деди "Қишлоққурилишлойиҳа" лойиҳа-қидирув институти бош конструктори Шерзод Одилов. – Амалда бино бир қават қўшимчаси билан қурилган. Ўрнатилган тартибда лойиҳалаш ишларида муаммолар борлиги аниқланди. Хусусан, объект қурилаётган ҳудуд сейсмиклиги тўққиз балл этиб белгиланган. Шу боис, лойиҳада пойдевор қисмларида қўлланилган грунтларнинг сувга тўйинганлиги ҳисобга олиниб пойдевор қалинлиги белгиланган. Пойдевор 50 см қалинликда лойиҳаланган ва шу лойиҳа асосида қурилиш ишлари амалга оширилган. Лойиҳада бинонинг қайси конструкцияга мансублиги тўғрисида маълумотлар келтирилмаган. Бу эса, комплекс ҳисоб ишлари амалга оширилгани ёки оширилмагани бўйича шубҳа уйғотади. Дастлабки маълумотларга кўра, кейинги босқичда мазкур лойиҳа ишларининг тартиби ўрганилиб, алоҳида кўрсатма берилишига келишиб олинди.

– Нурафшон шаҳридаги ушбу объект беш қаватли мансардали уй дейилган, аммо олти қаватли иморатнинг лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқдик, – деди "ЎзГАШКЛИТИ" илмий-тадқиқот институти бош мутахассиси Баҳодир Султонқулов. – Лойиҳани бир қисми бўлмиш пойдеворни заминини текшириш хулосаси ҳам тақдим қилинган. Унга кўра, грунтлар, ер ости сувлари бу ерга жуда яқин. Шу боис, бу ҳудуд тўққиз баллик деб белгиланган. Лекин лойиҳада саккиз баллик ишлар бажарилган. Катлованда шағал билан тўлдириб зичлаш ишлари амалга оширилган. Лекин лойиҳада бу нарса кўрсатилмаган. Шағал бу ерда зичлаш учун кўрсатилгани ҳақидаги ҳужжатларни тақдим қилиша олмади.

## "Нурафшон" МФЙдаги маиший хизмат кўрсатиш объекти





Шунингдек, ишчи гуруҳ томонидан Нурафшон шаҳар Тошкент йўли кўчаси "Нурафшон" МФЙ ҳудудида тадбиркор Д. Норқулов томонидан 1-, 2-қаватлари маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 3-, 4-, 5-қаватлари турар жой сифатида қурилаётган бино ҳолати ўрганилди. Мазкур объектда амалга оширилаётган қурилиш ишлари юзасидан Нурафшон шаҳар Қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан 7 марта мониторинг ишлари олиб борилиб, 4 та бажарилиши мажбурий кўрсатмалар берилган ва уларнинг ижроси таъминланган.

– Ушбу объектда ўтказилган мониторинг текшируви натижасида бир нечта камчиликлар аниқланди, – деди Нурафшон шаҳар Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош мутахассиси Абдуқодир Ҳайитбоев. – Жумладан, бинонинг энергиятежамкорлигини ошириш бўйича ишчи лойиҳада ҳеч нарса эътиборга олинмаган. Ушбу ҳолат бўйича тадбиркор фуқарога нисбатан кўрсатма берилиб, ижросини таъминлаш бўйича инспепкция томонидан назоратга олинган. Бундан ташқари, бинонинг монолит сердечникларини қуйишда арматураларни ишчи лойиҳага зид равишда амалга оширилгани маълум бўлди. Ушбу камчилик бўйича буюртмачига кўрсатма берилиб, ижросини таъминлаш назоратга олинган.

Бундан ташқари, мутахассислар томонидан бинонинг келишилган лойиҳасига зид равишда пойдевор қисми нисбатан юқорилаб кетгани аниқланди. Бу масала юзасидан ҳам қурилиш ташкилоти ва лойиҳа ташкилотига бир қанча кўрсатмалар берилди. Ҳозирги кунда белгиланган тартиб-қоидаларни инобатга олиб, бинони энергиятежамкор материаллар – базальт қопламаси билан қоплаш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берилди.

## "Дўнгқўрғон" МФЙдаги 19-мактаб биноси






Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги масъуллари, қатор лойиҳа ташкилотлари ва илмий-тадқиқот институтлари экспертлари иштирокида ўтаётган рейд давомида Тошкент вилояти Пискент туманидаги ижтимоий соҳа объектлари ҳам кўздан кечирилди. Туманнинг "Дўнгқўрғон" МФЙ ҳудудида жойлашган 19-мактаб учун қўшимча 220 ўринли бино қурилиши ҳам айрим камчиликлардан холи эмаслиги аниқланди. Ушбу объект лойиҳачиси "Асл лойиҳа" МЧЖ, буюртмачи "Ягона буюртмачи хизмати" ИК ҳамда пудратчи "Kamilon Arh qurilish" МЧЖ ҳисобланади.

– Ушбу объект ишчи гуруҳ билан жойига чиқиб ўрганилганда бир қатор камчиликлар аниқланди, – деди Тошкент вилояти Қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси биринчи ўринбосари Отабек Тиллахўжаев. – Хусусан, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларида сердечниклари 130 мм кўрсатилган. Аммо пудратчи "Kamilon Arh qurilish" МЧЖ томонидан 100-110 мм атрофида бажарилган. Бундан ташқари, 2-қават калонналари 30х40 тарзда бажарилган. Лойиҳа талабларига кўра, 40х40 ўлчовда бажарилиши керак бўлган. Аниқланган камчиликлар юзасидан Тошкент вилояти Қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси масъул ходимлари томонидан буюртмачи, пудратчи ва лойиҳа ташкилотига ўз вақтида назорат ишларини амалга оширмаганлиги учун МЖтКнинг 99-моддаси тегишли бандларига асосан чора кўрилиши таъминланади. Ушбу объектда аниқланган камчиликлар бартараф этилиши назоратга олинади.

Эрта аниқланган касалликни тез ва осонроқ даволаш мумкинлигини ҳаммамиз биламиз. Шу боис, қурилиш соҳасидаги носозликлар ҳам қанча эрта аниқланиб, тузатилса, келгусида катта йўқотишларни олдини олган бўлармиди? Тошкент вилояти ҳудудида мутахассислар иштирокида ўтказилган рейд тадбирлари барча ҳудудларда ва доимий тарзда ташкил этилса, юртимизда қад ростлаётган иморатлар шунчалик мустаҳкам бўлаверади.

# БОШ РЕЖА – тараққиёт пойдевори

**Авазбек НАРЗУЛЛОЕВ,** Навоий вилояти Қурилиш ва коммунал хўжалик бошқармаси Аҳоли пунктларида шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқариш ва амалга ошириш бўлими бош мутахассиси.

**Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 – 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони қурилиш соҳасидаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур Стратегияга кўра, Навоий вилоятида ҳам нафақат йирик шаҳар ва туманларнинг бош режаларини ишлаб чиқишга, балки маҳаллаларга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, аҳоли яшайдиган манзилларда янги бинолар қуриш, меъморий обидаларни таъмирлаш, кўкаламзорлаштириш каби муҳим ишлар кенг суръатда амалга оширилмоқда.**

Шунингдек,Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 июлдаги 639-сонли қарори билан тасдиқланган дастурга асосан, Навоий вилоятида 2022 йилда Республика бюджети ҳисобидан 12 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ёндош маҳаллаларнинг бош режа лойиҳалари ишлаб чиқилиши белгиланган. Дастур доирасида "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ томонидан Нурота ҳамда Хатирчи туманларидаги "Деҳибаланд", "Авазсой", "Орасой", "Боғишамол", "Гулистон", "Чечак ота", "Оқолтин", "Олмазор", "Фидокор", М. Улуғбек номидаги, "Бунёдкор" ва "Маданият" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларининг бош режа лойиҳалари ҳамда ёндош маҳаллаларнинг шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемалари тайёрланди.

Бундан ташқари, якунланган йилда манзилли рўйхат асосида вилоятнинг 11 та туман ва шаҳарларидаги 22 та аҳоли пунктида "Обод қишлоқ" ҳамда "Обод маҳалла" дастурлари доирасида қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Маҳаллаларнинг бош режаларини ишлаб чиқишда энг аввало, шаҳарсозлик нормалари асосида уларнинг кўркам ва ихчам қиёфасини яратиш мақсадида ижтимоий объектлар, аҳоли яшаш хонадонларининг жойлашувига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ҳудудда яшовчи аҳолининг таклифлари ҳам инобатга олинаётгани аҳамиятлидир. Масалан, Хатирчи туманидаги Олмазор маҳалласида яшовчи аҳоли 1 километр узоқликда жойлашган деҳқон бозорига бориб овора бўлмайди ёки болалар шунча масофа узоқликдаги мактабга қатнамайди. Аксинча, бош режага асосан, эндиликда аҳоли ўзига яқин манзилда тикланган ўқув масканига, савдо дўкони ёки спорт майдонига чиқиш имкониятига эга бўлади.

Шунингдек, яратилаётган бош режаларга мувофиқ, фавқулодда вазиятлар ва техноген ҳолатларда ёнғин хавфсизлиги машиналари осон ўтиш йўлакларига эга бўлади. Тез ёрдам машиналари равон йўллардан осонлик билан манзилни топиб боради. Маҳалла бош режасини ишлаб чиқишдан кўзда тутилган мақсад – аҳолининг узоғи яқин бўлиши, яшаш тарзи янада яхшиланишидан иборатдир.

# Таъминотда энди узилишлар бўлмайди

**Гулжаҳон АШУРОВА,** *журналист.*

**Жаҳон ҳамжамияти ҳозирда иқлим ўзгаришларини инсоният олдида турган энг долзарб муаммолардан деб баҳоламоқда. Шунингдек, улар бу йилги қиш мавсумини сўнгги эллик йилда кузатилган энг қаҳратон фасл деб таъкидлашди. Январнинг иккинчи ўн кунлигида юртимизнинг барча ҳудудларида ҳароратнинг кескин пасайиб кетгани натижасида кўпчилик ташвишга тушиб қолгани ҳам бор ҳақиқат. Совуқ об-ҳаво ҳукмронлиги вақтида электр энергияси ва газ таъминотида вақтинчалик узилишлар барча ҳудудларда юзага келди.**



"Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ Жиззах вилояти филиалида ҳам совуқ кунлари ишчи-ходимларнинг масъулияти янада ошди. 300 да ортиқ бригада ташкил этилиб, улар жойларда электр энергияси билан боғлиқ муаммоларни тезкорлик билан ҳал этишда жонбозлик кўрсатишди.

– Ушбу йўналишдаги ишлар бугунги кунда ҳам тизимли равишда олиб борилмоқда, – деди "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ бош директори Бахтиёр Ибрагимов. – Хусусан, вилоятнинг аксарият туманларида таъминотдаги узилишларни тузатиш учун авария бригадаларига қўшимча 61 та автотранспорт ва 33 та махсус техника йўналтирилди. Бундан ташқари, ҳар-хил қувватли 30 дона трансформатор пункти, 14 тонна трансформатор мойи, 90 дона темир-бетон устунлар, 3 тонна очиқ сим, 0,9 км кабель маҳсулотлари захираси яратилди. Совуқ туфайли тармоқда юз берган 95 та авария ҳолати ходимларимизнинг тезкор саъй-ҳаракати туфайли қисқа фурсатда қайта тикланди.

Шунингдек, Фориш, Янгиобод, Ғаллаорол туманларидаги 10 Кв ли фазалар, "Қоратош", "Олмачи" , "Маржонбулоқ" ҳаво тармоқларидаги камчиликлар ҳам бартараф этилди. Зафаробод ва Арнасой туманларидаги трансформаторларда мой чиқувчи кабеллар алмаштирилиб, мой сатҳлари меъёрига келтирилди. Арнасой туманидаги Ғафур Ғулом номли маҳаллада 97 та хонадон учун 160 кВА трансформатор ўрнатилди. Жиззах шаҳридаги Заргарлик маҳалласидаги трансформатор юклама ортиши оқибатида яроқсиз ҳолга келган эди. Шаҳар электр тармоқлари корхонаси ходимлари томонидан захирадаги трансформатор билан алмаштирилиб. носозлик бартараф этилди.

Зомин, Шароф Рашидов, Мирзачўл, Бахмал туманларидаги айрим маҳаллаларда ҳам бу борадаги муаммоларга барҳам берилди. Айни пайтда вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари ҳамда маҳаллаларида жойлашган трансформаторлар мутахассислар томонидан тўлиқ назоратдан ўтказилиб, ўз муддатини ўтаб бўлганлари янгиларига алмаштириляпти. Хонадонлар ҳамда корхоналарга йўналтирилган кабель ва симларнинг яроқлилиги ўрганилмоқда.

# "Қурилиш – UzBuild 2023" ўз ишини бошлади

**Iteca Exhibitions халқаро кўргазма компанияси томонидан анъанавий равишда ўтказиб келинаётган навбатдаги 24-халқаро "Қурилиш – UzBuild 2023" кўргазмаси бугундан ўз ишини бошлади.**

Ушбу кўргазма Бутунжаҳон кўргазма саноати ассоциацияси (УФИ) томонидан тасдиқланган тадбир мақомига эга бўлган мамлакатимиздаги ягона қурилиш ва интерьер кўргазмаси ҳисобланади.

Кўргазма 28 февралдан 3 мартгача "Ўзэкспомарказ" МККнинг барча павильонлари ҳамда очиқ экспозициясида бўлиб ўтади.

Ташкилотчиларнинг қайд этишича, бу йил рекорд даражадаги иштирокчилар сони рўйхатга олиниб, 22 давлатдан 350 та компания ўз маҳсулотлари билан кўргазмада қатнашмоқда.

**Кўргазма таассуротлари, унда намойиш этилган янги қурилиш материаллари, халқаро компания ва маҳаллий тадбиркорларнинг фикр-мулоҳазалари билан газетамизнинг кейинги сонида батафсил танишиш мумкин.**


## ИК "Служба заказчика в сфере строительства" при Ферганском областном хокимияте

### ОБЪЯВЛЯЕТ ПОВТОРНЫЕ ТЕНДЕРНЫЕ ТОРГИ!

**Правительство Республики Узбекистан получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:**

| Номер контракта | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы (сум без НДС) | Срок строительства (календарных дней) | Залоговое обеспечение в виде банковской гарантии (сум) |
|---|---|---|---|---|
| MOEI-RIDP-FER-W-28 | Строительство зданий и сооружений нового дошкольного образовательного учреждения на 90 мест на территории МСГ "Себзор" Сохского района Ферганской области | 4 365 006 335 | 130 | 87 300 127 |

**"Служба единого заказчика в сфере строительства" при Ферганском областном хокимияте**

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проходить в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка" и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве по Ферганской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 345 000 сум с НДС.

**Получатель:** Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по Ферганской области.

**Банковские реквизиты:** р/с: 2021 0000 2037 6761 8001 Ферганский филиал АКБ "InFinBank" МФО 01128 ИНН 202 529 457.

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме.

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 18.00 (по ташкентскому времени) 23 марта 2023 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены. **Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

**Организация для подачи предложений:** Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по Ферганской области.

**Адрес:** Ферганская область, г. Фергана, ул. С. Темура, дом, 111 "б".

**Тел.:** 99-615-68-91, 615-68-92.

**E-mail:** fartender@mail.ru

**Ответственный представитель Консалтингового центра:** М. Содиков.

## ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ В ТОРГАХ!

**Страна:** Республика Узбекистан.
**Проект:** "Модернизация сельского хозяйства Республики Узбекистан".
**№ кредита:** 6549 UZB.
**Название контракта:** "Капитальный ремонт и модернизация производственно-технической базы Центра по сертификации и испытанию сельхозтехники и технологии".
**Номер для ссылки (в соответствии с планом закупок):** AMP/C1/CW/17.

1. Республика Узбекистан получила финансирование от Всемирного банка на покрытие расходов в рамках **проекта "Модернизация сельского хозяйства Республики Узбекистан"**, и намеревается использовать часть средств на осуществление платежей в рамках контракта **AMP/C1/CW/17 – "Капитальный ремонт и модернизация производственно-технической базы Центра по сертификации и испытанию сельхозтехники и технологии"**.

2. **Международный стратегический центр в области продовольствия и сельского хозяйства при Министерстве сельского хозяйства Республики Узбекистан** приглашает к подаче запечатанных конкурсных предложений от правомочных участников торгов по выполнению проекта **"Капитальный ремонт и модернизация производственно-технической базы Центра по сертификации и испытанию сельхозтехники и технологии".**

3. Конкурсные торги будут проводиться по процедурам национальных конкурсных торгов в соответствии с Руководством Всемирного банка: Правила закупок для заёмщиков. Закупки в рамках финансирования инвестиционных проектов. Товары, работы неконсультационные и консультационные услуги. Июль 2016 г. ("Руководство по закупкам"), и открыты для всех правомочных участников торгов в соответствии с тем, что определено в "Руководстве по закупкам". Кроме того, просьба обращаться к параграфу 3.14, где изложена политика Всемирного банка в отношении конфликта интересов.

4. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить дальнейшую информацию в и получить электронную версию документации для торгов при подаче письменной заявки по указанному ниже адресу (amcp@rra.uz).

5. Конкурсные предложения необходимо доставить по указанному ниже адресу в указанное время или ранее **16:00 ч. 21 апреля 2023 г.** Разрешается подача конкурсных предложений в электронном виде, которые нужно отправить на электронную почту amp.agro@rra.uz. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены. Конкурсные предложения будут вскрыты публично в присутствии назначенных представителей участников торгов, желающих присутствовать, по адресу, указанному ниже.

6. Все конкурсные предложения должны сопровождаться "Гарантийной декларацией конкурсного предложения" в форме тендерной документации.

7. Конкурсные предложения должны быть предоставлены с указанием суммы без учета НДС. При предоставлении конкурсного предложения с НДС сумма НДС не принимается к оценке, и дальнейшая оплата по контракту будет осуществляться без учета НДС. При сравнении конкурсных предложений не учитывается НДС, и будет вычтен.

**8. Адреса, упомянутые выше:** Международный центр стратегического развития и исследований в сфере продовольствия и сельского хозяйства при Министерстве сельского хозяйства.

**Кому:** Алишеру Шукурову, директору.
**Адрес:** ул. Лабзак, дом, 1 "А".
**Этаж/номер комнаты:** 1-этаж, комната ГРП "Модернизация сельского хозяйства Республики Узбекистан".
**Город:** Ташкент.
**Почтовый индекс:** 100128.
**Страна:** Узбекистан.
**Телефон/факс:** (99897) 753-70-84.
**Адрес электронной почты:** amcp@rra.uz

## "Respublika mulk markazi" МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ электрон-онлайн аукцион савдога таклиф этади!

**Очиқ электрон-онлайн аукцион савдога "O'zyog'moysanoat" уюшмасининг 2023 йил 23 февралдаги ОЗ/9-105-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 8-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

1. 2017 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 703 YDA бўлган "MALIBU" 2 русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 273 190 000 сўм.
2. 2016 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 720 CFA бўлган "LACETTI" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 112 841 000 сўм.
3. 2016 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 405 KEA бўлган "LACETTI" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 112 772 000.
4. 2019 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 145 JGA бўлган "LACETTI" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 131 129 000 сўм.
5. 2019 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 147 JGA бўлган "LACETTI" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 136 625 000 сўм.

**Очиқ электрон-онлайн аукцион савдоси 2023 йил 31 март куни соат 9.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2023 йил 30 март куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2023 йил 31 март куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар ҳар 15 кунда 4 маротаба соат 9.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 6005 7145 2006 ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*


## Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

### *Февраль ойининг сўнгги кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган*

"Ташгипрогор" АЖ 1-тоифали техник-архивчи **Мунисахон Ганиева,**

"Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ реклама ва обуна ишлари бўйича бош менежер **Эшмуҳаммад Халилов,**

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Архитектура, лойиҳалаш ва бош режаларга риоя қилиш устидан назорат бўлими бошлиғи **Шерзод Шадмонов,**

Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими шаҳарсозлик қонунчилигини риоя этиш устидан назорат олиб бориш бўйича архитектор **Шынберген Сейдуллаев,**

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик бошқармаси юрисконсульти **Рустам Арзиев,**

Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Баҳромбой Шакиров**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№14 (667) 2023 йил 28 февраль

# Ижтимоий соҳа объектлари доимий эътиборда

**Муҳиддин МАҒЗУМОВ,** журналист.

**“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланганы натижасида ҳудудлардаги қурилиш-бунёдкорлик кўлами янада ортмоқда. Бунга Наманган туманидаги иккита маҳаллада амалга оширилган бунёдкорлик ишларини мисол сифатида айтиш мумкин. Майдони 41,4 гектарга тенг Урганжи маҳалласида 2418 нафар аҳоли истиқомат қилади. Яқин-атрофда мактабгача таълим ташкилотининг йўқлиги одамларни ўйлантираётган ва ечимини кутаётган муаммолардан эди.**
**Ниҳоят, 2022 йилги инвестиция дастурига асосан, республика бюджетидан 4 миллиард 362 миллион сўмдан ошиқ маблағ ажратилиб, 150 ўринли боғча қурилди.**



5-мактаб

– Ушбу икки қаватли бинони сифатли қуриб битказишда 40 нафар тажрибали қурувчи мутахассислар астойдил меҳнат қилишди, – деди “Гумбаз мадад қурувчи файз” МЧЖ иш юритувчиси Соҳибжон Холиқов. – Муассасада пардозлаш, жиҳозлаш ишлари якунланди. Барча ишларни лойиҳада кўрсатилганидек бажариб, сифатли ва бежирим тарзда битирдик.

Янги боғча биносини кўздан кечирдик. Ошхонадаги замонавий мебеллар, ўлчамлари кичкинтойларга жуда мос қўл ювиш мосламасию ҳожатхона жиҳозлари, ювиниш хонаси ҳамда гуруҳлар ётоқхонаси учун қўшқаватли каравотларнинг бежиримлиги болалар ва уларнинг оналарини бирдек қувонтиргани аниқ. Қолаверса, болажонлар учун ўйин майдонлари ва ҳовлидаги ихчамгина чўмилиш ҳавзаси ҳам бугунги кун талабларига монанд қурилган. Бир сўз билан айтганда, ушбу муассаса маҳалланинг кўркига кўрк қўшаётгани баробарида, ҳудуднинг меъморий қиёфасига ҳам ўзгача чирой бағишлаб турибди.

Инсоннинг фаровон турмушини унинг маънавияти ва маданиятисиз тасаввур қилиш мушкул, аниқроғи, мумкин эмас. Тумандаги 105 гектар майдонни эгаллаган Чағир маҳалласида 866 та оилада 2813 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуддаги 300 ўринли маданият маркази биноси анчадан буён таъмирталаб аҳволда эди. Унинг янгича қиёфага кириши учун оз эмас кўп эмас нақ 2 миллиард 711 миллион сўм маблағ республика бюджетидан ажратилди. “Уста Нўъмон” хусусий корхонаси қурувчилари астойдил енг шимариб, меҳнат қилишди.



Тўрақўрғон туманидаги кўп қаватли уй

Дарвоқе, Чағир маҳалласининг идораси маданият марказининг ёнгинасида жойлашган бўлиб, маҳаллий бюджетдан ажратилган 350 миллион сўм эвазига ушбу иншоот ҳам мукаммал таъмирланди.

Наманган тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлим бошлиғи Диёрбек Тошхўжаевнинг айтишича, маданият маркази ва маҳалла биноси март ойида тўлиқ фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Ҳа, ҳисоблаб кўрсак, битта тумандаги учтагина ижтимоий инфратузилма объектига салкам 7 миллиарддан ошиқ маблағ харжланибди. Айтмоқчимизки, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида юз миллиардлаб, мамлакатимиз миқёсида эса триллионлаб маблағ сарфланмоқда. “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” тамойили асосида олиб борилаётган оқилона сиёсатдан кутилаётган натижа эса битта – токи чекка қишлоқлару маҳаллаларда ҳам ижтимоий фаровонлик таъминлансин, аҳоли бугунги кунидан рози бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва “Обод қишлоқ” ҳамда “Обод маҳалла” дастурлари ижроси доирасида Тўрақўрғон туманида ҳам қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, тумандаги Шарқ маҳалласида қад ростлаган беш қаватли, 30 та хонадонли турар жой биноси қурилишига 5,5 миллиард сўм сарфланди. “Mega Construktion City” МЧЖ бунёдкорлари томонидан қурилиш ишлари якунланиб, шинам ва ёруғ усулда лойиҳаланган хонадонларга ички жиҳозлар ўрнатилди. Айниқса, электр, газ, ичимлик суви таъминоти ва иситиш тизими жиҳозларининг замонавий типда эканлигига алоҳида эътибор қаратилди. 2022 йил сўнггида хонадонлар ўз соҳибларига топширилди.

Бундан ташқари, туманнинг Тошкент маҳалласида 5,8 гектар майдонда 16 та 12 қаватли, 2646 хонадонли ва туманда ягона ҳисобланган “Мўъжиза” турар жой мажмуалари қурилиши “Dilmurod Mega Fayz” МЧЖ бунёдкорлари томонидан олиб борилмоқда. 2023 йилнинг 4-чорагида мазкур уйларнинг тўрттаси (570 та хонадон) фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Кейинги босқичдаги қурилиш ишлари эса 2025 йил охирига қадар давом эттирилиб, хонадонлар ўз эгаларига топширилади.

Шунингдек, ушбу замонавий кичик шаҳарчада савдо мажмуаси, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, мактаб, боғча, болалар ўйин ҳамда спорт майдончалари ҳам бунёд этилади.

Мутасаддиларнинг айтишича, Тошкент маҳалласи аҳолисини яна бир муаммо қийнаб келар эди. Яъни, яқин-атрофда мактаб йўқлиги боис ўқувчилар ёндош маҳалладаги таълим масканига қатнаб ўқишарди. Ниҳоят, 330 ўринли янги мактаб қуриш инвестиция дастурига киритилиб, 13,2 миллиард сўм маблағ ажратилди. Янги, уч қаватли мактаб биноси “Равнақ” МЧЖ мутахассислари томонидан сифатли тарзда қуриб битказилди.

Ўзимиз ҳам бир пайтлар мактабда таҳсил олганмиз, касбимиз тақозоси билан янги қурилган ёки мукаммал таъмирланган бошқа мактабларни ҳам кўрганмиз. Ёруғлик, шинамлик каби қулайликлар деярли одатий таассурот. Лекин янги қурилган 5-мактабни кўздан кечирганимизда бу ерда яратилган шароитлар бизни қувонтирди. Ҳатто ногиронлиги бўлган, имконияти чекланганлар учун ҳам энг зарурий жиҳозлар ўрнатилган. Дид билан қурилган фаоллар ва спорт зали, кутубхона, ахборот технологиялари хонаси, 64 ўринли ошхона, футбол ўйингоҳи ҳамда овозкучайтиргичли радио тармоғи кабилар ўқувчиларнинг мукаммал билим олишлари учун асқатмоқда.

# Хоразмнинг ўтмишига мос меъморчилиги бор

**Сергей ДЖУМАНИЯЗОВ, Алишер КАРИЕВ,**
Хоразм вилояти Қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бўлим бошлиқлари.

**Кўҳна Хоразм диёрида меъморлик бугун шаклланган эмас. Узоқ асрларга туташ қурилиш анъанаси бизга Хива, Урганч каби обидаларга бой шаҳарларни мерос қолдирди. Ҳозирги кунда вилоятда қадим қурилиш анъаналарининг давоми ўлароқ кўплаб замонавий турар жой бинолари ва ижтимоий объектлар тикланмоқда. Мазкур бинокорлик шароитида қурилиш ишларининг сифатли олиб борилишини назорат қилиш нафақат бугунги кун учун, балки қадимий Хоразм меъморлигининг давоми сифатида ҳам аҳамиятлидир.**

Хоразм вилояти Қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекцияси ходимлари томонидан вилоятдаги бинокорлик жараёнлари доимий назорат остига олиниб, ўрганиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ана шундай мониторинг ишларидан бири Урганч шаҳри, Янгиобод маҳалласида ўтказилди. “Урганч қурилиш бетон” МЧЖ буюртмаси асосида қурилаётган 9 қаватли 2-3 хонали 54 хонадондан иборат турар жой биноси объекти кўздан кечирилганда, унинг 6 қаватида бажарилган монолит темир-бетон деворлари мустаҳкамлик даражаси ишчи лойиҳа талабига жавоб бермаганлиги аниқланди.

Шунингдек, жорий йилнинг дастлабки назорат тадбирлари давомида Урганч шаҳрига қарашли “Мустақиллик” МФЙ ҳудудида фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан қурилаётган қурилиш объектлари ўрганилди. Аниқланишича, объектда шаҳарсозлик қонуности ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштириб, ҳудудий инспекция рўйхатидан ўтмасдан қурилиш-монтаж ишлари бошланган. Ҳолат бўйича қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиш учун ёзма кўрсатмалар берилганлигига қарамасдан, ҳозирда қурилиш-монтаж ишларини давом эттираётганлиги сабабли ҳудудий инспекция томонидан Урганч шаҳар ҳокимлигига объектни бузиш тўғрисида суд органларига даъво киритилишини сўраб тақдимнома юборилган. Фуқаролар жавобгарликка тортилган.

Ҳудудий инспекция ходимлари томонидан “Architektural leader project” МЧЖ лойиҳа ташкилоти томонидан лойиҳаланган кўп қаватли турар жой биноси ҳам ўрганилди. Бинода энергия самарадорлиги, муқобил энергия технологиялари ва энергия тежамкорлик чора-тадбирлари кўзда тутилмаганлиги сабабли лойиҳачи ташкилот раҳбарига камчиликларни бартараф этиш юзасидан тушунтириш берилди. Жумладан, Урганч шаҳар “Ал-Хоразмий” массивида “Хива Зафар Руслан” МЧЖ томонидан қурилаётган 5 қаватли икки йўлакли турар жой қурилиши объектида мониторинг ишлари ўтказилди. Мониторингда тасдиқланган лойиҳада РП КЖ-16 варағидаги А 1/1 ўқидаги АСП каркасига кўп ғовакли темир-бетон плиталарини “впусникларини” уланишида камчиликлар аниқланди. Яширин ишлар далолатномасида лойиҳа ташкилоти қатнашмаганлиги маълум бўлди. Ушбу қоидабузарликларнинг бартараф этилиши бўйича инспекция ходимлари томонидан кўрсатмалар берилди.

Ўрганиш ишлари Янгиариқ туманининг “Дўстлик” МФЙ ҳудудида ҳам олиб борилиб, буюртмачи “Шохзадбек” МЧЖ томонидан тикланаётган кўп қаватли уй-жой қурилиши объекти кўздан кечирилди. Натижада объектда ғишт териш ишларида вертикал чоклар қоришма билан етарли даражада тўлдирилмаганлиги, бешинчи қават оралиқ деворнинг ғишт териш ишлари лойиҳа талаблари асосида бажарилмаганлиги аниқланди. Қоидабузарликлар юзасидан пудратчига ёзма кўрсатма берилди ҳамда қурилиш ишлари тўхтатилиб, объектда демонтаж ишлари олиб борилди.

Бу турдаги ҳолатлар Урганч шаҳридаги “Ал-Хоразмий” массивида 5 қаватли икки йўлакли турар жойда ҳам кузатилди. Маълум бўлишича, қурилиш объектида “армовипусклар” лойиҳа талабларига зид равишда бажарилган, бино пойдевор йиғма бетон блоклари лойиҳа талабларига зид, қурилиш объектида пойдевор ости йиғма блоклар оралиқ масофаси мавжуд норма ҳамда қоида талабларига мувофиқ эмаслиги аниқланди. Қоидабузарликлар юзасидан инспекция томонидан “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали буюртмачининг техник назоратчиси, лойиҳачининг муаллифлик назоратчиси ва пудрат ташкилотининг ички назорат ходимларига тегишли ёзма кўрсатмалар берилиб, қурилиш объектида лойиҳага зид равишда бажарилган йиғма блокларда демонтаж ишлари амалга оширилди.

Назорат тадбирларининг узчиллигини таъминлаш мақсадида, инспекторларимиз жойларда ўрганиш ишларини давом эттиришмоқда.

# “Ғубдин” массивида қурилиш авжида

**Ҳамза ШУКУРОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Мамлакатимизда аҳолини намунали уй-жойлар билан таъминлаш ва улар учун зарур шароит яратиш, қишлоқ ҳамда овулларда ҳам шаҳардан қолишмайдиган ҳар томонлама қулай, кўп қаватли иморатларни барпо этишга катта аҳамият қаратилмоқда. Бошқача айтганда, юртимизда инсон қадрини улуғлашга давлат сиёсати даражасида эътибор берилиб, қатор эзгу режалар рўёбга чиқариляпти.**

Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борадаги дадил қадамдир.

Ана шундай массивлардан бири Булунғур туманида қад ростламоқда.

Айни пайтда “Тошкент-Самарқанд” автомобиль йўлининг “Юқори нуқта” қисмидан ўтиш жойидан бошланадиган “Ғубдин” массивида дастурга мувофиқ улкан ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. “Янги Ўзбекистон” массивлари лойиҳаси доирасида бу ерда йигирмадан ортиқ кўп қаватли уй-жойлар билан бир қаторда мактабгача таълим муассасаси, мактаб, поликлиника, маданий-маиший объектлар, спорт майдончалари сингари бозор инфратузилмасини ўз ичига олган йирик мажмуа барпо этилаётгани булунғурликларни мамнун қилмоқда.

Ҳозирда электрон онлайн аукцион савдоларида ғолиб деб топилган учта пудрат ташкилоти – “Agromir buildings” МЧЖ, “Alijon qurilish montaj” МЧЖ ва “Me’mor” хусусий корхоналарининг бунёдкорлари зиммаларидаги вазифани сидқидилдан бажаришга киришган.

Айтиш жоизки, “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖнинг Самарқанд вилояти филиали жамоаси томонидан тасдиқланган бош режага кўра, иншоотларнинг ички ва ташқи муҳандислик-транспорт коммуникация тизимлари мукаммал ишлаб чиқилган. Бу эса, ўз навбатида, қурувчилар меҳнатини анча осонлаштирмоқда. Техника воситаларининг етарли эканлиги, инженер-техник ходимларнинг катта тажрибаси ҳам барча юмушларни маромида олиб бориш учун замин яратяпти. Қолаверса, бу уй-жойларнинг таннархини камайтириш мақсадида пудратчиларга цемент ва металл каби қурилиш материалларини арзонлаштирилган нархда имтиёзли бериш ташкил этилганлиги ҳам ютуқларга йўл очмоқда.

– Шу кунларда бўлажак шаҳарчанинг атрофини ободонлаштириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бўйича дарахтлар экиб, кўкаламзорлаштириш ҳамда ландшафт меъморчилигини яратишга киришдик, – деди туман бош меъмори Агзам Рустамов. – Бундан ташқари, янги барпо этилаётган массивда шаҳарсозлик норма ва қоидаларига амал қилган ҳолда энергия тежамкор қурилмалардан кенг фойдаланишни назарда тутганмиз.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
**O‘ZBEKISTON BUNYODKORI**
**СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Жалол Арашов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100035, Тошкент шаҳри,
Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй.
**Телефонлар:**
71-234-47-18 (қабулхона),
71-234-47-19 (таҳририят),
71-234-47-20 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-237.
1768 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – И. Ибодулла.

ЎзА якуни – 22.40.
Топширилди – 23.20. 1 2 3 4 5 6